# ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИНИНГ МАХСУС СОНИ

● 1994 йил, 29 декабрь, пайшанба № 165 (481)

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК ЦЕНТРАЛЬНОГО ПЕЧАТНОГО ОРГАНА МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Четверг, 29 декабря 1994 г. № 165 (481)

Газета издается с 24 июня 1992 г.

● Сотувда эркин нархда

● В розницу цена свободная



1 2 3 РАСМИЙ ХАБАРЛАР. ҚИШКИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ АВЖИДА

4 5 ТЕЛЕПРОГРАММА Ташкент Москва Алматы

6 ИНДИЙСКИЙ ГОРОСКОП

7 ПОД ВЕНЕЦ... СО ШКУРОЙ ЛЕОПАРДА

8 ТЕСТ «НОВОГОДНИЙ»





## ПОСТАНОВЛЕНИЕ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

### ОБ ОРГАНИЗАЦИИ ВЫДАЧИ И ОБМЕНА ПАСПОРТОВ ГРАЖДАН РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, ВИДОВ НА ЖИТЕЛЬСТВО ДЛЯ ИНОСТРАНЦЕВ, ЛИЦ БЕЗ ГРАЖДАНСТВА И УДОСТОВЕРЕНИЯ ЛИЦА БЕЗ ГРАЖДАНСТВА

Во исполнение Указа Президента Республики Узбекистан «О введении в действие «Положения о паспортной системе в Республике Узбекистан» и в целях организации выдачи и обмена паспортов граждан Республики Узбекистан, видов на жительство для иностранцев, лиц без гражданства и удостоверения лица без гражданства Кабинет Министров постановляет:

1. Министерству финансов Республики Узбекистан выделить по заявкам Министерства внутренних дел Республики Узбекистан необходимые валютные и денежные средства:

до конца 1994 года на приобретение компьютерной техники, необходимой для создания специальной информационной сети по вопросам паспортизации насе-

(Окончание на 2-й стр.).

## Ислом КАРИМОВ: ШУ АЗИЗ ВАТАН—БАРЧАМИЗНИКИ

Ислом Каримовнинг муқобиллик асосида ўтган умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганига уч йил тўлди. Уч йил — тарихан қисқа муддат. Лекин шу вақт мобайнида Ўзбекистонда улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Бугун уларни бир карра сарҳисоб қилиш, таҳлил этиш жоиз кўринади.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинган ўша кезларда шароит ҳақиқатан ҳам оғир эди. Улкан салтанат парчаланиб кетган, одамларни эртага нима бўлади, деган савол қийнарди. Бунинг устига, Фарғона, Ўш ва Паркент фожиаларининг жароҳати битмаган, пахта яккаҳокимлиги иқтисодиётимизда оғир асорат қолдирган, халқ хўжалиги бир томонлама ривожлангани туфайли аҳоли эҳтиёжи учун энг зарур моллар, хусусан, ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларининг 70 фоизи четдан келтирилар — бу каби муаммоларни санаб адоғига етиш қийин эди!

Вазиятнинг яна бир мураккаб жиҳати шунда эдики, Ўзбекистон гарчи СССР таркибидаги суверен давлат ҳисобланиб келган бўлса-да, бу мақом номигагина бўлиб, бизда давлатчиликнинг асрий анъаналари унутилган эди.

Ислом Каримов ана шундай — собиқ СССР ҳудудида бошбошдоқлик ҳукм сурган, иқтисодий бўҳрон авжга чиққан қалтис бир шароитда республика Президенти этиб сайланди.

Унинг зиммасида одамлар қалбида эртанги кунга ишонч руҳини уйғотиш, мустақил давлатимиз қандай бўлиши, у тараққиётнинг қайси йўлидан кетиши борасидаги истиқбол режаларини аниқ белгилаш, бошқача айтганда, йўл танлашдек тарихий вазифа турарди.

Президент аввало, барчамизнинг олдимизга Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий давлат бўлади, деган аниқ мақсадни қатъий қўйди. Шу маънода, бирин-кетин давлатимиз рамзлари — Байроқ, Герб, Мадҳиямиз қабул қилинди. Давлат бошқаруви тизими ислоҳ қилина бошлади. Жойларда ҳокимлик институтлари жорий этилди. Баъзи республикалардагидек талатўпда бошқарув тизими қўлдан чиқариб юборилмади. Бу эса сиёсий ислоҳотни осойишталик билан, одамларни сен коммунистсан, сен демократсан қабилида оқу қорага ажратмасдан амалга ошириш имконини берди.

(Давоми 2—3 бетларда).



Успешно начался зимний период обучения для рядового В. Павлова (на снимке). На занятиях по специальной подготовке наводчик орудия показывает высокие результаты. Вот и недавно, накануне Дня защитников Родины и в преддверии Нового года, рядовому В. Павлову от имени командира подразделения была объявлена благодарность.

Фото А. МАНТРОВА.

● АЪЛО ХИЗМАТИМИЗ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИГА

## ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Халқимиз тинч ва осойишталиги йўлида садоқат ила хизмат қилаётган Қуролли Кучларимиз шахсий таркиби қишки мавсум ўқув машғулотларида зўр уюшқоқлик ва кўтаринки кайфият билан қатнашмоқдалар.

Кичик сержант Ҳусниддин Бозоров етакчилик қилаётган бўлинма жамоаси ҳам бу борада пешқадамликни қўлдан бермай жанговар, ижтимоий-сиёсий ва бошқа ўқув машғулотларида юқори натижаларга эришиб, ушбу мавсумга ўзларининг пухта тайёргарлик кўрганликларини амалда намойиш этмоқдалар.

Тоғлари булутларга туташ Сурхон воҳасидан ҳарбий хизматга чақирилган Ҳ. Бозоров қисқа муддат ичида ўз тиришқоқлиги, барча вазифа ва топшириқларни юксак масъулият ҳисси билан аъло даражада бажаришга ҳаракат қилиши туфайли тез орада командирлари назарига тушди. Қалбида она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғулари жўш урган ўғлон хизмати офицер командирлари томонидан муносиб тақдирланиб, унга кичик сержант унвони берилди. Қисқа муддатли таътилга муносиб деб топилди.

— Кичик командир Бозоров ҳақида ҳар қанча илиқ гапларни айтсак-да оз, — дейди суҳбатда прапоршчик Л. Айгистова. — Айниқса, алоқачилик касби сир-асрорларини ёш солдатларга ўргатишда менга жуда яхши ёрдам бераяпти. У ўзига юклатилган барча топшириқларни сидқидилдан бажариб, сафдошларига ҳар томонлама ўрнак кўрсатиб келмоқда.

Албатта, ҳарбий хизматга яқинда келган ёш аскарларга сафда юриш, бошлиқларга ҳарбий Низом қонун-қоидалари бўйича мурожаат қилиш, шунингдек, ҳарбий техникани бошқариш ва ундан фойдаланиш каби дастлабки ўқув тайёргарлик маҳоратларини ўзлаштиришда кичик командирларнинг ҳиссаси катта.

— Мен ҳам хизматнинг дастлабки кунларида ҳарбий ҳаётга тез кўниколмай, бир оз қийналган эдим, — дейди кичик сержант. — Лекин командирларимиз ва тажрибали сафдошларимнинг самимий ёрдами туфайли барча қийинчиликларни енгиб ўтдим. Ўша вақтлар бизга соҳамиз сирларини ва ҳарбий машқларни қандай бажаришни ўргатган сержантларимизнинг ўзини тутиши ва юриш-туришига ҳавасим келиб, «мен ҳам шулар даражасига эришаман», деб кўнглимга туккан эдим. Мана, интилганга толе ёр, деганларидек мақсадимга эришдим.

Барча муваффақиятларимизнинг асосий негизи — шахсий таркибимизнинг ўзаро, баҳамжиҳатлик билан иш олиб бориши самарасидир. Аминманки, қишки мавсум ўқув машғулотларида аъло натижаларга эришамиз. 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини муносиб хизмат туҳфаларимиз билан кутиб оламиз.

Ҳусниддиннинг дилдан чиқариб айтаётган ушбу сўзларини тинглар эканман, Республикамиз Қуролли Кучлари сафида мана шундай йигитлар хизмат қилар экан, ўтмиши улуғвор, келажаги буюк халқимизнинг кундалик ҳаёти тинч, осмони беғубор бўлишини қалбан ҳис қилдим.

П. ҒУЛОМОВ,
жамоатчи мухбиримиз.

